O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2001 йил 24-30 апрель | № 17 (221)

Уйғоқ сўз

ҚОНУНЛАР ТИЗИМИ ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Қарийб ўн йилдирки, Ўзбекистон тарих саҳнасида мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатмоқда. Халқимиз танлаган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли халқаро миқёсда эътироф этилиб, бизнинг тажрибаларимизни ўрганишга бўлган қизиқишлар тобора кучаймоқда.

Ўзбекистон бу борада ривожланишнинг анъанавий бўлмаган ўзига хос йўлини танлади. **«Шаклланаётган ижтимоий-сиёсий ҳамда давлат тизими, бир томондан халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, анъаналарига, шу билан бирга жаҳоннинг энг илғор тажрибасига таянса,** - деб таъкидлаган эди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов, - **иккинчи томондан мавжуд реал шарт-шароитлар, тарихий инстиқболни назарда тутади. Тарихий истиқболимизни эса биз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда деб биламиз»**.

Дарвоқе, Юртбошимиз алоҳида уқтириб ўтганларидек, халқимиз ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлимиз билан тарихий истиқболимизни яратмоқда.

Бизнингча, ўзбек моделининг энг муҳим хусусиятларидан бири жамиятнинг барча соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш имконияти яратилгани ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаётганлигидадир.

Мамлакатимизда инсон шаъни энг олий қадрият деб эътироф этилди. Жамиятда унинг нуфузини кўтарадиган, масъулиятини оширадиган ва айни пайтда, бунёдкорлик салоҳиятини рағбатлантирадиган қонунлар тизими яратилди. Шўро замонидаги қонунларга бир эътибор беринг-а?! Улар оддий инсон манфаатларини ҳимоя қила олмасди. Қонунлар инсон учун эмас, балки мустабид тузумнинг ғайриинсоний сиёсатини ҳимоя қилиш учун қабул қилинарди.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар эса ўзининг мазмуни, ҳаётга яқинлиги, энг муҳими, инсон манфаатларига дахлдорлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Янги қонунларда халқимизнинг миллий-тарихий турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари ва фикрлаш тарзи умумбашарий қадриятларга уйғунлаштирилган ҳолда ўз ифодасини топди.

Қонунлар тизими, энг аввало, шахсни эркин фаолият юритиш, тадбиркорлик, изланувчанлик, бунёдкорликка даъват этади. Фуқароларда ўзининг иқтидори, куч-қудратини тўла-тўкис намоён этишига имконият туғдиради. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллик туйғусини кучайтиради. Ватан, миллат тақдири учун жавобгарлик ҳиссини оширади. Ижодкорлик, интилиш, изланиш майлларини рағбатлантиради. Инсоннинг ким бўлиши, қайси жабҳада, қандай вазифада хизмат қилишидан қатъий назар, энг аввало, ўзига, эртанги кунига бўлган ишонч туйғусини мустаҳкамлайди. Шундай қилиб, бугунги куннинг фуқароси ҳар бир нарсанинг қонуний тарзда амалга ошишини истайди.

Қонунларимизнинг инсонпарварлик моҳияти яна шунда кўринадики, уларда, энг аввало, инсонга бўлган эътибор ва муносабат ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунимиз ва келажагимизни тасаввур этиш учун яқин ўтмишимизни кўз олдимизга келтирайлик.

Ким эдигу ким бўлдик?

Маъмурий буйруқбозлик тизимида жамият шундай қоидалар негизига қурилган эдики, кимдир фақат буйруқ берар, бошқалар эса унинг амру фармонини қулларча итоаткорлик билан бажаришга мажбур бўларди.

Инсон мулк ҳуқуқи, давлатни бошқариш ишларида бевосита иштирок этиш ҳуқуқларидан батамом маҳрум этилганди. Ташаббускорлик, изланиш бунёдкорлик қадрланмасди. Кишилардан фақат бир нарса: юқоридан бериладиган топшириғу кўрсатмаларни (айтиш мумкинки, барча соҳа ва поғоналарда кишилар ўз хўжайинларининг қулига айланганди, раҳбарнинг амрини бажариш шарт эди) итоаткорлик билан бажариш талаб этиларди. Маърифатга, зиёга интилган, миллатнинг маънавий салоҳиятини кўтаришга жазм этган фидойи кишилар бирин-кетин қатағон этиларди. Мақсад битта: яъни фуқароларни тафаккур қуллиги исканжасида сақлаш эди. Президентимиз таъкидлаганларидек, **фикр карамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий карамликдан ҳам кўра дахшатлидир.**

Мустақиллик, энг аввало, халқимизни тафаккур қуллиги исканжасидан халос этди. Инсоннинг ўз кучи, қудратига бўлган ишончни қайтариб берди. Фуқаролар эндиликда боқимандалик кайфиятидан қутула бориб, ўз тақдири учун ўзи жавобгар эканлигини англамоқда.

Қонунлар тизими яратилиши ҳуқуқий онг шаклланаётган, кишилар қонунларга ҳурмат кўзи билан қараётганлигидан далолат беради. Зеро, қонунлар тизими буюк келажагимизнинг пойдеворини яратиши шубҳасиздир.

"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ"

у қонун устуворлигига хизмат қилади

"Ишонч телефони" хизматининг фаолияти таҳлиллари натижалари шуни кўрсатадики, 2000 йил ва 2001 йилнинг биринчи чораги давомида Адлия вазирлигининг юқоридаги хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмаларига 801 та хабар тушган. Шундан 198 та ҳолатда вазирлик ходимларининг бевосита аралашуви натижасида тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланди. 603 та сўровномага малакали тушунтиришлар берилди. Ишонч телефони хизмат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Ишонч телефони" тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилди. Вазирликнинг ушбу хизмати иши натижалари ва Низомнинг ўзи ҳам Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан маъқулланган. Кенгаш томонидан бундай хизматни ташкил қилаётганда давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига юқоридаги Низом асосида иш олиб бориш тавсия этилган.

"Ишонч телефони" тўғрисидаги Низом ва у орқали келиб тушган ахборотлардан фойдаланиш тартиби тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. У "Ишонч телефони" орқали оғзаки мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатини белгилайди. Низом "Ишонч телефони" бўйича хабарларни ҳисобга олиш журнали мазмунини ўзида акс эттиради, уни юритишнинг тартибини масъул ходимларнинг келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқишда ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди.

Қуйида манфаатдор ташкилотлар томонидан амалиётда қўллаш учун "Ишонч телефони" тўғрисидаги Низомнинг мазмуни ва у орқали келиб тушадиган ахборотлардан фойдаланиш тартиби берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

(Давоми 2-бетда)

2001 йил – «Оналар ва болалар йили»

Она бўла қолгин бизга, табиат...

Талаба мулоҳаза юритади

ҲУҚУҚИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, мамлакатимизнинг буюк келажагини таъминлаш ҳар биримизнинг ҳуқуқий саводхонлигимиз, билим ва интилишларимизга чамбарчас боғлиқ.

Биз бугун ана шу ҳақда фикр юритиш ниятидамиз. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир киши ҳаракатчан, ишбилармон ва ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишни билиши керак. Нега деганда, изланувчан, олдидаги тўсиқларни матонат билан енга оладиган инсонгина давр билан ҳамқадам юра олади.

Жамиятда ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқини билиши уни ҳар бир муаммони ечишда ишончли қалқон ҳисобланади.

Баъзан ҳаётда адвокат хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Аммо айтиш жоизки, одатда фуқаролар адвокатга бошига мусибат тушганда ёки бирор бир ҳаётий муаммони ечолмаганда, бир сўз билан айтганда, ночор қолганда охирги имконият сифатида мурожаат қилишади.

Адвокатнинг асосий вазифаси — фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Унинг учун ишнинг катта ёки кичиклигининг аҳамияти йўқ. Муҳими, иш адвокатнинг фаолият доирасига кирса бўлди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ адвокатлик фаолиятининг қуйидаги турлари жисмоний ва юридик шахсларга ёрдам кўрсатади:

1) Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради.

Давоми 3-бетда.

СОҲИБҚИРОН МАЪРИФАТИ

Соҳибқирон бобомиз юксак маърифатли шахс бўлганлар, миллат маърифати равнақига ҳомийлик қилганлар, - деди Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси Фазлиддин ҒИЁСОВ.

Бу илм даргоҳида долзарб мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишнинг яхши анъанаси шаклланган. Бу борада институтнинг Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши билан яқиндан ҳамкорлиги жуда қўл келаяпти.

Куни-кеча «Амир Темур абадияти» мавзуида ўтган маънавий-маърифий анжуман ҳам шундай ҳамкорлик асосида ташкил этилди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Олим, таниқли тарихчи Турғун Файзиев ва бошқалар Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, темурийлар даврининг жаҳон тамаддуни, башарият равнақида тутган ўрни, истиқлол йилларида Соҳибқиронга янгича муносабатнинг аҳамияти хусусида сўзлади.

Вилоятнинг турли туманларидан малака ошириш учун келган муаллимлар ўзбекнинг номини XIV асрда жаҳон саҳнасига олиб чиққан бу буюк аждодимиз, унинг даври ва авлодлари ҳақида ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олди.

Ўзбекистон: кеча, бугун, эртага

17-19 апрел кунлари "Бритиш Американ Тобакко" компаниясининг раҳбари жаноб Мартин Бротон мамлакатимизда бўлди. Меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

***

20 апрел куни Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонасида россиялик профессор Леонид Левитиннинг **"Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида"** номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

***

Бухоролик Тамара Костинага Президентимизнинг мактуби ва эсдалик совғалари топширилди.

***

Тадбиркорлар ўртасида ўтказилган бу йилги "Ташаббус" танлови якунланди.

***

Андижон вилоятида ипак қуртини плёнка остида парваришлаш тажрибадан ўтказилмоқда.

***

21 апрелда Ўзбекистон Миллий Университетида профессор, атоқли физик-химик олим, қатағон даврининг қурбони Ҳусайн Ниёзий таваллудининг 105 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

***

Тошкентда "Илҳом-2000" деб номланган замонавий мусиқа фестивали бошланди.

***

22 апрел куни халқаро Ер куни Ўзбекистонда ҳам нишонланди.

***

Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова Миллий матбуот марказида ОАВ вакиллари билан мулоқот ўтказди.

***

23 апрел куни Тошкентда футбол бўйича 2002 йилда Япония ҳамда Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг Осиё қитъаси 7-гуруҳ саралаш мусобақалари бошланди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

***

25 апрел куни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Таъсис қурултойи очилади.

***

28 апрел куни Тошкентдаги "Юнусобод" теннис мажмуида ўзбек кураши бўйича Осиё чемпионати бошланади.

Публицист ўйлари

КОНСТИТУЦИЯНИ АНГЛАШ — ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

- **Конституцияни билган одам қонун бузилишлардан нари юради**
- **Конституцияни дилдан англаган одам эса унинг устуворлиги учун курашади**

Яқин-яқингача ҳам қонунлар, уларнинг ижроси ҳақида сўз кетганда, бу иш асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, дипломида ҳуқуқшунос ихтисоси бўлган ходимларга таллуқли, деган тасаввур мавжуд эди. Эндиликда мустақиллик шароитида шу нарсани англадикки, ўзини тўла ҳуқуқли фуқароман, деб билган инсон жамият амал қилаётган қонунларни яхши билиши керак.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияни ўрганиш тўғрисидаги фармойиши нақадар ҳаёт тақозоси эканлигига дилдан ишонч ҳосил қиламиз. Ахир, Конституция жамики қонунларнинг бош бўғини ёки бошқача ифодалаганда ҳар қандай қонун Конституциядан "хамиртуриш" олади. Шундай экан, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида ҳар биримиз, касбимиз ёки мавқеимиздан қатъий назар, Конституцияни юрақдан англаб, вужудимизга сингдиришимиз керак.

Охирги сўзларим газетхонга жимжимадор ёки баландпарвоз туюлмасин, гап фақат Конституция нечта бўлим, боб ёки моддадан иборатлигини ёддан билишда эмас, балки Асосий қонунимизнинг бутун руҳи, оҳанги, маслаги ҳар биримизга ошно бўлиши муҳим.

Яқинда шу мавзудаги суҳбатлардан бирида лицей ўқувчиси менган сўраб қолди: "Нега мустақилликдан сўнг, тез кунда Конституция қабул қилинмади?". Бу савол қотилмаган эди. Тушунтиришга ҳаракат қилдим. Бизга шундай Конституция керак эдики, у халқимизга узоқ йиллар хизмат қилсин. **Бизга шундай Асосий қонун керак эдики, унинг зарҳал сатрлари ҳар бир фуқаронинг юрагида муҳрланиб қолсин, ҳар ким унга эътиқод қўйсин.** Бунинг учун Конституциявий комиссия раиси, мамлакат Президенти Ислом Каримов бошчилигида қонун ижодкорлари бир йилу уч ой мобайнида қизғин фаолият юритишди. Дунёдаги ривожланган давлатларнинг қонунчилиги назардан ўтказилди, уларнинг ютуқлари, сабоқлари ҳисобга олинди. Қонун яратиш бўйича жаҳон тан олган мустақил экспертлар баҳо беришди. Ҳар бир модда қайта-қайта тарозига қўйилди. Яхлит матн икки марта умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Гап миллат тақдирини белгилайдиган ҳужжат ҳақида борарди, наридан бери тайёрланиб, номига қабул қилинган қонун бизга керак эмасди.

Нима, номига қабул қилинган конституциялар ҳам бўлганми? Амалдаги Конституциямизнинг қанчалик ҳаётбахш, келажакни кўзлаганлигини таъкидлаш мақсадида тарихимизда кечирганимиз — ишламаган "Конституция" ҳақида сўз юритамиз. Гап СССР Конституциясининг сояси бўлган Ўзбекистон ССР Конституцияси ҳақида кетаяпти. Хўш, бу ҳужжат жаҳон андозаларига қандай жавоб берарди? Ўшанда бундай саволни қўйишнинг ўзи мумкин эмасди. Тобе республика учун битта жаҳон — у ҳам бўлса СССР бор эди. Бу қобиқдан ташқарига чиқиш "ватанпарварлик"га зид саналарди. Ўзбекистон Конституцияси номига қабул қилинганига яна бир далил — бирор марта унинг санасини нишонлаш ҳақида гап бўлган эмас, Конституция куни дейилганда фақат ва фақат СССР Конституцияси тушуниларди. Шўро даврида шундай модда бор эди: "Агар СССР ва Иттифоқдош республикалар қонунлари бир-бирига зид тушиб қолса, СССР қонуни амал қилади". Шу тартибнинг ўзиёқ республикалар ҳуқуқи йўқлигини рўй-рост ифодалаб турарди. Аслида нариёғини сўрасангиз, СССР Конституциясининг ўзи дунё талаблари олдида ожиз, таги пуч эди. Тарих учун унча катта давр ҳисобланмаган етмиш йил мобайнида Конституция уч марта янгиланганини айтсак, фикримиз тушунарли бўлади, деб ўйлайман. Қолаверса, саксонинчи йилларнинг охирида СССР Конституциясидаги КПСС нинг ҳукмдорлиги тўғрисидаги модданинг қанчалар ғурбат ва жанжалларга сабаб бўлганлиги кўпларнинг ёдидан кўтарилгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси, Конституцияси яратилиши жараёнида тарихнинг ана шундай сабоқлари ҳам ҳисобга олинди. Асосий қонунни варақлар экансиз, унинг ҳар моддаси ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият ҳис этилган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянилиб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашни кўзда тутиб битилганлигига юрак-юрагингизда ишонч ҳосил қиласиз.

Инсон бу дунёда қандай мақсад билан яшайди? Аввало, ўз бунёдкор меҳнати билан яхши ишларга дахлдор бўлсам, эл-юрт оғирини енгил қилсам, бола-чақамга муносиб шароит яратсам дейди. Бундай савобли ва эзгу мақсадларга етишиш учун албатта тинчлик, осойишталик керак. Конституциямиз юқоридаги жами мақсад ва орзулар учун кафолат яратувчи муқаддас ҳужжатдир. Конституция кафолати эса мамлакат Президентидир. Буни кўнглида тутган ҳар бир фуқаро она Ватани гуллаб-яшнаши, жаҳондаги мавқеи юксалиши шахсан ўзининг фидойи меҳнатига боғлиқ эканлигини ҳис қилиши, табиийдир.

Айтайлик, сиз ўз оилангиз, фаровон ҳаёт кечиришини кўзлаб мулкдор бўлишга, табиийки рўзғорингизни бойитишга аҳд қилдингиз. Эртага ҳалол меҳнат эвазига тўплаган бойлигим, мол-мулким дахлсиз бўлишига кафолат борми, деган савол кўнглингизга келиши мумкин. Келинг, Конституциямизга мурожаат қилайлик: **"Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баровар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир"**. 53-моддадаги ушбу сатрларни билганингиздан сўнг, бояги ниятингиз янада аланга олиши, ортингизда ҳомий бўлиб Конституция турганлигини ҳис қилишингиз муқаррар.

Умуман ҳаётда сўзим дадил, мақсадим аниқ бўлсин, десангиз қонунларни яхши билиш керак. Қонунларнинг калити эса Асосий қонун — Конституциядир. У юридик ҳужжат бўлиб қолмай, айни пайтда жамият аъзоларининг онги, дунёқараши, савиясини ҳам белгилайди. Фикримнинг исботи учун бир мисол келтирай. Иккиуч ойлар муқаддам танишларимдан бирини учратиб қолдим. Шашти паст, руҳи тушкунроқ. Сабабини сўрадим. "Ҳа, энди, юрибмизда тупроқдан ташқари бўлиб" дея жавоб қилди. Мен дўстимга маслаҳат бердим:

— Сен, оғайни, бундай бўшашиб юрма. Кечкурун уйга борганингда Конституциямизни ўқиб чиқ.

— Конституциянинг нима дахли бор? — ажабланиб юзимга қаради дўстим.

— Сен айтганни қилгин, кейин гаплашамиз...

Икки кун ўтгач ўша дўстим қўнғироқ қилди.

— Қойилман. Гапингиздан сўнг Конституциямизни ўқиб чиқдим. Ҳамма майда ташвишлар хаёлимдан кўтарилди. Қанчалик улуғвор мақсадларни кўзлаётган мамлакатда яшаётганим руҳимни кўтарди. Раҳмат, дўстим.

Мен унинг бу сўзларидан ажабланмадим. Негаки, ўша ҳолатни ўзим бошимдан кечиргандим-да.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ"

у қонун устуворлигига хизмат қилади

"Ишонч телефони" тўғрисидаги Низом ва у орқали келиб тушадиган ахборотлардан фойдаланиш тартиби.

Давоми. Боши 1-бетда.

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунларини бажариш юзасидан фуқаролар, тадбиркорлик субъектларининг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва "Ишонч телефони" орқали тушадиган оғзаки мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатини масъул ходимларнинг келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқлаб беради.

2. "Ишонч телефони" хизматини ҳар бир давлат бошқаруви ва назорати органида, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида, уларнинг ҳудудий бўлимларида, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти идораларида ташкил қилиш тавсия қилинади. «Ишонч телефони» хизмати алоқанинг зарур техник воситалари, "Ишонч телефони" бўйича хабарларни ҳисобга олиш журнали билан таъминланиши керак.

"Ишонч телефони" хизмати жамоат бирлашмаларида, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкил этилиши мумкин.

3. Давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, уларнинг бўлимлари, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари "Ишонч телефони" хизматининг ишонч телефони рақамлари тўғрисидаги ахборотни Республика кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожини тартибга солиш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгашга ва (ёки) унинг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этишлари зарур.

4. "Ишонч телефони" бўйича мурожаатларни ҳисобга олиш журналини юритиш, "Ишонч телефони" бўйича хабарларни ҳисобга олиш журналини юритиш қоидаларига асосан амалга оширилади(2-Илова).

5. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунидаги тартибда баён этилган мурожаатлар кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

6. "Ишонч телефони" хизмат кўрсатишга жавобгар мансабдор шахслар:

- алоқа воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлашлари;
- келиб тушаётган ахборотларни тезкор қабул қилишлари;
- "Ишонч телефони" бўйича хабарларни ҳисобга олиш журналини юритиш қоидаларига риоя қилишлари;
- келиб тушган ахборотларни масалалар моҳияти бўйича уларни ҳал қилишга ваколатли манзилга ўз вақтида ўтказилишини таъминлашлари;
- келиб тушган ахборотларнинг адресат томонидан ҳал қилинишини ва ижронинг натижаларини баён этувчига юборилиши назоратини амалга оширишлари;
- давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларга тааллуқли ва бошқа ахборотлар, агар бу баён қилувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказса;
- баён этувчининг фуқароларнинг улар розилигисиз шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборотлар ва маълумотлар кафолатига бўлган ҳуқуқини таъминлашлари керак.

Баён этувчининг илтимосига кўра, унинг шахси тўғрисидаги ҳар қандай маълумот ошкор этилмайди.

7. Давлат бошқаруви ва назорат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, уларнинг жойлардаги бўлинмалари, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари:

- "Ишонч телефони" орқали тушган хабарларни объектив, ҳар томонлама ва ўз вақтида текширишга;
- қонунга хилоф чиқарилган қарорларни бекор қилиш, ўзгартириш, тезкор чоралар кўриш, ноқонуний хатти-ҳаракатлар келтириб чиқарган сабаб ва шароитларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари тиқланишини, шикоятга оид қабул қилинган қарорнинг аниқ бажарилишини таъминлашга;
- текшириш натижалари ва қабул қилинган қарор моҳияти ҳақида фуқарога ёзма хабар қилишга мажбурдирлар.

8. Давлат органларига, корхоналарга, муассасаларга ёки ташкилотларга мурожаатлар юзасидан қарорларни раҳбар ёки унинг ўринбосари, жамоат бирлашмалари, сайлов органларида улар томонидан вакил қилинган шахслар қабул қилишга ҳақли.

"Ишонч телефони" бўйича хабарларни ҳисобга олиш журнали

"Ишонч телефони" бўйича хабарларни ҳисобга олиш журналини юритиш қоидалари:

1. "Ишонч телефони" бўйича хабарни ҳисобга олиш" журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли қарори талабларига мувофиқ тикилган ва рақамланган бўлиши шарт.

2. Журналдаги бўлимларни тўлдиришда қисқартиришга йўл қўйилмайди.

3. 3-бўлимда баён этувчининг почта манзилини кўрсатишдан ташқари, баён этувчининг боғланиш телефони бўлса, телефон рақами кўрсатилади.

4. 4-бўлимни тўлдиришда мурожаатнинг предметини кўрсатиш билан мурожаатда кўтарилган ахборотнинг қисқача мазмуни, мурожаатда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг Ф.И.Ш., уларнинг лавозими ва иш жойи, мансабдор шахс томонидан содир этилган ҳаракатнинг куни (вақти), баён этувчининг арзни кўриб чиқиш шакли ҳақидаги таклифи берилади.

5. 5-бўлимда мурожаатнинг шакли кўрсатилади — ариза, шикоят ва ҳ.к.

6. 7-бўлимда мурожаатни кўриб чиқиш шакли, аризани кўриб чиқувчи назорат органининг номи ёки ариза кимга жўнатилган бўлса, исми, шарифи ва телефон рақами кўрсатилиши керак.

7. 8-бўлимда аризада келтирилган важларни тўлиқ ўрганиб, уларга нисбатан қўлланилган чоралар санаб ўтилади.

8. 9-бўлимда аризани назоратдан олиш тўғрисидаги ва аризани кўриб чиқувчи мансабдор шахсга нисбатан бўлган эътирозлар тўлдирилади.

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРНИНГ ТАЯНЧИ

бу — қонун, унга суяниб иш юритган киши ҳеч қачон ютқизмайди

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тадбиркорлик, мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан, хусусий мулкка кенг йўл берилди. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эса бу борадаги ишларни янада жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Андижон вилояти иқтисодиётининг юксалишида, бозор рақобатининг ривожида тадбиркорлар ҳиссаси салмоқлидир. Улар бозорларни маҳсулотлар билан тўкин-сочин қилмоқда, шунинг натижасида харидорлар учун танлаб олиш имконияти юзага келди.

Бироқ бу соҳа фидойиларининг фаолиятига баъзан билиб-билмай, гоҳида эса кўр-кўрона тўсқинлик қилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Одатда бундай тўсқинликлар таъмагирликнинг орқасидан келиб чиқади. Бундан ташқари, айрим раҳбарларнинг тўрачилиги ва иқтисодий, ҳуқуқий саводсизлиги ҳам тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаяпти.

Андижон вилоят адлия бошқармаси қошида ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимининг ўтган йилда амалга оширган ишлари ана шундай хулосаларни беради.

Конституциямизнинг 53-моддасида **«Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди»** деб ёзиб қўйилган. Мавжуд қонунчиликда ҳам товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси улар рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб беш йил муддатгача солиқлардан, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан белгиланган мажбурий тўловлардан озод этилиши таъкидланган.

Бироқ Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида текшириш ўтказилганда, Асака шаҳридаги «Анзис» акциядорлик жамиятида 1999 йил 6 майдан 12 майгача Асака шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (ДСИ) ходими томонидан ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланди. Шунингдек, 1999 йилда «Асака дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида, «Феруза» ҳиссадорлик жамияти ва «Кафолат» ДАСК Андижон вилоят филиалида ҳам ноқонуний текширувлар ўтказилган.

Баъзан шошма-шошарлик қилиб, назорат органларининг талабига кўра маълумот беришларда чалкашликларга йўл қўйиш оқибатида ҳам тадбиркорлар жабр кўриб қолишмоқда. Масалан, Андижон шаҳридаги «МКиС» ишлаб чиқариш корхонаси директори Рустам Раҳмонов ва шу корхона бош ҳисобчиси Ақлима Шайхиисломовалар қамоқхона дарвозасидан қайтишди. Вилоят адлия бошқармаси ходимлари масалага ойдинлик киритишиб, уларни бу кўргуликдан сақлаб қолишди. Шу ишга алоқадор бўлган масъулиятсиз хизматчилар устидан Андижон шаҳар судига даъво аризаси киритилиб, «Ҳамкорбанк» амалиёт бошқармасидан шу банкнинг кредит бўлими мутахассиси Муҳиддин Арслонов ҳамда Андижон шаҳар солиқ инспекцияси инспектори Алишер Қодировларнинг нотўғри маълумоти оқибатида жиноий иш қўзғатилганлиги сабабли етказилган 480000 сўм моддий ва 400000 сўм маънавий зарарни солидар тартибда ундириб бериш тўғрисидаги Андижон шаҳар судининг ҳал қилувчи қарори қабул қилинди.

Мансабдор шахсларнинг тадбиркорга ўчакишиб қилаётган ғаразли қилмишлари ҳам кечирилмас ҳолдир. Бундай ҳолатлар юзасидан ҳам вилоятда кескин чоралар кўрилмоқда. Масалан, адлия бошқармасига Андижон шаҳрида яшовчи тадбиркор И.Асроновдан Андижон шаҳар электр тармоқлари идорасининг бўлим бошлиғи Б.Аҳмадалиев ҳамда техник нозир Д.Кенжаевнинг хатти-ҳаракатлари устидан ёзган шикоят-аризаси ўрганилиб, жабрланувчи И.Асронов манфаати ҳимоя қилинган даъво аризаси Андижон шаҳар судига юборилди. Суд тадбиркорга етказилган 66000 сўм моддий ҳамда 50000 сўм маънавий зарарни Б.Аҳмадалиев ва Д.Кенжаевлардан ундириб бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бўз туманидаги М.Жалолов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М.Зокирова «Шаҳриёр» фермер хўжалигининг 19,2 гектар ерини қонунсиз равишда олиб қўйган ва бунинг оқибатида фермер М.Мамажоновани ҳосилдан келадиган даромадлардан маҳрум қилган. Ушбу иш юзасидан Бўз туман судига даъво ариза юборилди. Суд «Шаҳриёр» фермер хўжалигига 19,2 гектар қонуний ерини қайтариб бериш, М.Жалолов номли ширкат хўжалигидан «Шаҳриёр» фермер хўжалиги фойдасига 252022 сўм олинмай қолган фойдани, 640857 сўм иккиламчи маҳсулотдан олинмай қолган фойдани, хўжалик бошқаруви раиси М.Зокировадан «Шаҳриёр» фермер хўжалиги раҳбари М.Мамажонова фойдасига етказилган 500000 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Биргина Жалолқудуқ туманидаги бир гуруҳ фермерлар манфаатини кўзлаб, туман ҳокимининг 63 та фермер хўжалигини тугатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш тўғрисида вилоят адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига даъво аризасини юборган. Яхшиямки, қонунларимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилган. Судлар ҳам дахлсиз ва мустақилдир.

Вилоят адлия бошқармасига Хўжаобод туманидаги 5 нафар янги ташкил этилаётган фермер хўжаликлари раҳбарларидан таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлигига топширилганлиги, лекин рўйхатга олиш масаласи ҳал этилмаётгани ҳақида ариза тушган. Туман ҳокимлигига огоҳлантириш юборилиб, фермер хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш масаласида қонун бузилиши мумкин эмаслиги билдирилгач, масала ижобий ҳал қилинган. Яна худди шу тумандаги «Умид» фермер хўжалиги раҳбари М.Эгамов «Тадбиркорбанк» кредит бериш масаласини чўзиб келаётганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилган. Вилоят адлия бошқармасининг аралашуви билан фермер хўжалигига 2.200.000 сўм кредит берилди.

Кредит олишдаги сансоларликлар бошқа туманларда ҳам содир бўлган. Масалан, Избоскан туманидаги якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор Т.Маматқулова «Ҳамкорбанк»дан кредит ололмаётгани ҳақида ариза ёзган. Асака шаҳрининг «Тадбиркор-6» фирмаси ҳам «Бизнес-фонд» ҳисобидан кредит олишда ёрдам сўраган. Ҳар иккала мурожаат ҳам вилоят адлия бошқармаси томонидан кўрилиб, ижобий ҳал этилди.

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати шарофати билан мамлакатимизда ерга муносабат тубдан ўзгарди. Бу ҳукуматимизнинг ердан тўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ғамхўрлигининг ёрқин тимсолидир. Бинобарин, деҳқон-фермер хўжаликларига ер бериш масаласида ҳам қонун бузилмаслиги шарт. Бироқ Балиқчи туманида яшовчи фуқаро Д.Жакбаров фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер бериш тўғрисидаги аризасини ҳал этишда амалдаги тартиб бузилганлигини билдирган. Ушбу ҳолат бўйича олиб борилган текширишлар аризачи ҳақ эканлигини кўрсатди. Вилоят адлия бошқармаси Балиқчи туман ҳокимлигига қонунчилик бузилишини бартараф этиш ва айбдор шахсларга нисбатан чора кўриш тўғрисида тақдимнома юборди. Тақдимномага келган жавобда Д.Жакбаровга ер бериш масаласи ширкат хўжалигининг умумий йиғилишига киритилганлиги, сансоларликка йўл қўйган туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари вазифасидан озод қилингани айтилган.

Шу билан бирга шартнома асосида маҳсулотни ўз вақтида олиб, ҳақ тўлашга келганда тадбиркорларни ранжитаётганлар Балиқчи туманида кўплаб учраши афсусланарлидир. Чунончи, биргина «Бўстон» жамоа хўжалиги раҳбарлари «Нўъмонжон» фермер хўжалигининг 564448 сўм, «Рўзимуҳаммад» фермер хўжалигининг 986417 сўм, «Маҳмуд қори» фермер хўжалигининг 280006 сўм, «Содиқжон» фермер хўжалигининг 696730 сўм, «Алчазор» фирмасининг 75000 сўмлик топширган маҳсулотлари учун шартномада белгиланган муддатда пул ўтказиб беришни «эсларидан чиқариб» қўйишган. Натижада деҳқонлар вилоят адлия бошқармасига шикоят аризасини ёзишга мажбур бўлганлар. Даъволар ўрганилганда улар асосли эканлиги тасдиқланиб, вилоят хўжалик судига тақдимнома киритилди. Суд даъвогарларнинг фойдасига ҳукм чиқарди.

Бир сўз билан айтганда, Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан олиб борилаётган барча текширишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши кўп ҳолларда тузилган шартномаларни қонун ҳужжати сифатида қабул қилмаслик ёхуд қонунларни яхши билмаслик оқибатида содир этилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, ҳисобчилари ва уларнинг туман, вилоят миқёсидаги марказлашган идоралари раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳам кўзга ташланади.

Т. ШЕРМАТОВ,
Ҳ. АБДУРАЗЗОҚОВА,
Андижон вилояти

Жамалак-жамалак сочли қиз...

Ҳикмат

ОТАЛАР ДЕЙДИКИ:

эй фарзанд, баданни ўзингга мутеъ қил ва уни қаҳр била итоатга буюргил.

***

барча дониш ва ҳунарнинг сармояси адаб, тавозе, ҳаё, пок диллик, парҳезкорлик, беозорлик, сабр ва матонатликдур.

***

яхшилик муқаддимаси шармдур, ёмонлик муқаддимаси бепарҳезкорлик ва бешармликдур.

***

барча катта, кичикка ҳунар ўргатмак вожибдур, нединким киши ҳунар ўрганмоқ била ўз ҳамроҳларидан баланд мартабада бўлур.

Шу сонга хабар

ДЕМОКРАТИЯ ВА АХЛОҚ

- Демократия бир қадар умуминсоний, ахлоқ эса анчайин миллий қадрият. Бироқ демократияда ҳам миллийлик бўлгани каби ахлоқ ҳам умуминсоний жиҳатлардан холи эмас. Энг муҳими, бу иккисини бир-биридан айри тушуниш ҳам, уларни ўзаро аралаштириб юбориш ҳам мумкин эмас, - дейди Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод ОЛИМ ана шу мавзудаги маърузасида.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Тошкент Давлат юридик институти, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳамкорлигида юридик институтда бўлиб ўтган илмий-амалий семинар мавзуси бежизга «Юксак маънавият — демократик жамият асоси» деб номланмаган.

Бу йиғин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 4 январида имзолаган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши моҳиятини ёшларга англатиш йўлидаги тадбирлардан бири бўлди.

Сўзга чиққан М.Қуронов, А.Раҳмонов, Н.Шодиев, З.Фофуров, Г.Мансурова, Ж.Бобоев ва бошқалар Ислом Каримов асослаган сиёсий-ғоявий таълимотнинг турли қирраларини ёритишга ҳаракат қилдилар.

Семинарда бўлажак ҳуқуқшунос-талабаларни қизиқирган кўплаб маънавий-маърифий, сиёсий-мафкуравий саволларга ҳам жавоб берилди.

Институтда ҳар ойда бир бор ана шундай маънавий-маърифий йўналишдаги илмий-амалий тадбир ўтказиш анъанага айланган.

Ҳукм ўқилди

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Ўзбек оиласида ота барча учун суянч тоғ, мустаҳкам устун саналади. Айниқса, оилада тарбия топаётган ўғил болалар отасидек бўлишга, унинг изидан из солишга интилишади. Ўзининг шундай улуғлик мавқеини асраб келаётган оталар ҳаётда кўпчилик. Аммо афсуски, орамизда фарзандини дунёга келтириб, ўз оталик бурчларини бажариб бўлдим, тарзида иш тутаётган, фарзандини тарбиялаш ўрнига ўзи тарбияга муҳтож оталар ҳам бор экан. Ана шундайлардан бири 1951 йилда туғилган, Ғаллаорол шаҳрида яшовчи Абдусаттор Тожибоев бўлиб чиқди. У умрининг ўн бир йилини қамоқда ўтказган бўлса-да, кўзи очилмаган экан. Ўғрилик, тан жароҳати етказиш ва безорилик каби жиноятлар билан уч марта судланган бўлишига қарамай, феълида ўзгариш бўлмаган А.Тожибоев болалари тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги янада ёмон оқибатларга олиб келди.

2000 йилнинг 7 декабр куни кеч соат 20 ларда спиртли ичимлик ичиб олган катта ўғли Алишер отаси ётган уйга кириб келди. «Ётибсизми», дея беписандлик билан тўнғиллади. Шу тариқа отабола ўртасида гап қочиб, жанжал бошланди. Оталик ҳамияти қўзғалиб кетган, кўзи қонга тўлган ота ўғлини уриб-тепиб, ёғочдан ясалган стул билан ура кетди. Ўз фарзандига ўта шафқатсизларча оғир тан жароҳати етказди. Натижада Алишер Тожибоев Ғаллаорол туман марказий касалхонасида 9 декабр куни вафот этди. Энди ота деган номга иснод келтириб, ўз фарзандининг қотилига айланган бетавфиқ ота умрининг 20 йилини темир панжара ортида ўқазадиган бўлди. Эсиз, ота деган ном-а!

Ҳилола ДАМИНОВА

Талаба мулоҳаза юритади

ҲУҚУҚИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Давоми. Боши 1-бетда.

Албатта барчанинг ҳам ҳуқуқий жиҳатдан кўп масалаларга тиши ўтавермайди. Уларни ҳуқуқшуноснинг ёрдамисиз ҳал қилиш қийин. Шундай ҳолларда адвокатга мурожаат қилишга тўғри келади.

2) Ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади.

Шуни айтиш жоизки, ҳуқуқий қимматга эга ариза, шикоятлар каби ҳужжатларни тузиш биз ўйлаганчалик осон иш эмас. Чунки ҳуқуқий хусусиятдаги ҳужжатлар аниқ, қисқа ва хатосиз тузилиши шарт. Сабаби бундай ҳужжатларни тузиш чоғида биргина сўзнинг ёки қўшимчанинг хато қўлланиши бутун бир ҳужжатнинг маъноси ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Шуларни ҳисобга олсак, адвокатнинг иши ўта масъулиятли ҳисобланади.

3) Фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади. Яъни фуқаролик ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича судда ёки бошқа давлат органларида жисмоний ва юридик шахслар корхона, ташкилот, муассасалар олдида вакилликни амалга оширади. Сизнинг номингиздан иш кўради. Бу дегани сизнинг манфаатларингизни кўзлаган ҳолда ҳуқуқий аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширади.

4) Жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади.

5) Тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади. Адвокат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганингизда ёки шуғулланаётган даврингизда иш фаолиятингиз билан боғлиқ турли хил шартномаларни имзолашда, фаолиятингизнинг қонунийлигини таъминлашда сизга ҳуқуқий жиҳатдан йўл-йўриқлар, маслаҳатлар беради.

Албатта, тадбиркорлик фаолияти натижасида йўл қўйилган оддийгина хато ҳам жуда катта молиявий зарар кўришингизга олиб келиши мумкин.

6) Булардан ташқари адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам ҳам кўрсатиши мумкин. Шунинг учун адвокат ҳақида, унинг фаолияти тўғрисида айрим маълумотларни билиб олсангиз, албатта, ютасиз. Булар қуйидагилардир:

- адвокат кимнинг манфаатларини ҳимоя қилаётган бўлса, фақат шу шахснинг манфаатларини кўзлаб ўз ҳаракатларини амалга ошириши керак. У ўз ҳимоясидаги шахснинг манфаатларига зарар етказувчи бирон бир ҳаракатни қилишга ҳақли эмас.

Адвокатни сизга ҳимоячилик ёки вакиллик вазифасини бажараётганида, унга сиз ҳақингиздаги маълумотларни гувоҳ сифатида айтиб бериш учун сўроқ қилишлари мумкин эмас. Қонунда бу таъқиқланган. Шуни унутмангки, адвокат ва сизнинг ўртангиздаги суҳбатлар, унинг сизга берган тушунтиришлари, маслаҳатлари адвокатлик сири бўлиб, адвокат буларни ҳеч кимга ошкор эта олмайди. Буларни ошкор этиш қонунда ман қилинган.

Адвокат ёрдамисиз ҳам ўзингиз баъзи ишларга ойдинлик киритишингиз мумкин. Бунинг учун биринчи навбатда, ҳужжатларга беэътибор бўлманг. Ҳар бир ишни амалга оширишдан аввал, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлари ҳақида ўйланг. Амалда учраши мумкин бўлган тўсиқларни енгишга тайёр туринг. Қачонки сиз ўз ҳуқуқингизни яхши билсангиз, шундагина ҳуқуқингиз бузилмайди. Бироқ ҳуқуқни талаб қилиш билан бир қаторда ўз бурчингизни ҳам шунга яраша адо этмоғингиз лозим. Чунки сизнинг талаб қиладиган ҳуқуқингиз бировнинг бурчи ёки бировнинг сиздан талаб қиладиган ҳуқуқи сизнинг бурчингиз бўлиши мумкин.

Дилшод ОМОНОВ,
ТДЮИ талабаси

Мактуб ва мулоқот

ХУЛОСАЛАР АНИҚЛИГИ — ИШОНЧ КАФОЛАТИ

Жиноятчиликни аниқлаш ва фош этишда суд-экспертиза хизматининг бугунги имкониятлари қандай? Шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангизлар.

Жўра ҲАМРОЕВ,
Бухоро вилояти, Олот тумани
Чандир қишлоғи, ўқитувчи

Маълумки, жиноятчиликни фош этиш, уни аниқ далил ва ашёлар билан исботлашда суд-экспертизасининг ўрни беқиёсдир. Республикамизда ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Ўзбекистонда суд-экспертизасини ривожлантириш, унинг илмий асосларини мустаҳкамлаш ва бу соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги эксперт хизматини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорига (1995 йил) асосан Адлия вазирлиги тизимидаги Тошкент суд-экспертиза илмий-медицина институти Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази (РИТКМ)га айлантирилди. Суд-экспертиза хизмати ўз фаолиятининг дастлабки даврларида асосан ҳужжатшунослик экспертизаларининг айрим турларини бажариш билан бевосита шуғулланган бўлса, сўнгги йилларда унинг фаолият кўлами янада кенгайиб бораяпти. Жумладан, бу муассасада 1991 йилда 30 та эксперт мутахассислиги юзасидан иш олиб борилган бўлса, ҳозирги пайтга келиб, марказимизда содир этилган жиноятлар турига қараб 47 та эксперт йўналиши бўйича анализлар олинмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари бизга мурожаат этишганларида уларга жавобан асосий эътиборни ҳар қандай жиноятни тўла-тўкис ва ўз вақтида очишга қаратаяпмиз. Жумладан, бу ерда ўн кунлик муддат ичида амалга оширилган экспертизалар 95,3 фоизни, ўз ечимини топмаган муаммоли масалалар эса бор-йўғи 3,5 фоизни ташкил этади. Эксперт хулосалари ёрдамида турли-туман қонунбузарлик ҳолатларининг сири очилмоқда. Йўл транспорти ҳодисалари, ҳужжатларнинг қалбакилаштирилиши билан боғлиқ жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланмоқда. Порахўрлик, рэкет ва наркобизнесга қарши кураш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилаётган эксперт хулосалари жиноятчиликнинг тўлақонли очилишига имкон бераяпти.

Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан тирик одам, мурда, ҳайвон ва моддаларнинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи намуналар: шубҳаланувчи, гумон қилинувчилардан қон, соч толаси, сўлак, дастхат, бармоқ излари, тиш қопламалари, овознинг хусусиятларини ифодаловчи аудио ёзувлар, касб малакасини ифодаловчи намуналар олинганидан сўнг марказимизга мурожаат қилинади. Биз эса ўз вақтида ҳозиржавоблик билан анализ натижалари асосида тегишли хулосаларни тайёрлаб берамиз.

Энг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш ўтказиш жараёнида эксперт гильза, ўқ, бузиш асбоблари ва бошқа объектларнинг тажриба намуналарини тайёрлашга ва уларнинг экспериментал изларига қараб ўхшашлиги ёки фарқи, шунингдек, ҳужжатларнинг техник криминалистик экспертизаси йўналишда ҳужжатлар реквизитлари, ўзгартирилган ёзувлар, муҳр ва штампларнинг қалбакилаштирилган ҳолатлари аниқланади. Марказимизда, шунингдек, ёниб кетган қоғозлар матнини тиклаш, ёзув машинкаси ёки компьютерда ёзилган ҳужжатлар, қимматбаҳо қоғозлар, қалбаки векселлар, турли валюталарни ҳам тез текшириб, аниқлаб берамиз.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, марказимизда ўтган йилдан бошлаб жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган одам ДНК (дизоксирибонуклеин кислота)сининг суд биологик экспертизасини амалга ошириш йўлга қўйилган. Ушбу лабораторияда ўрнатилган замонавий мосламалар орқали тери, сўлак, қон, уруғ, соч толасини анализ қилиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур аппаратлар ёрдамида бизга аниқлаб бериш учун юборилган намуналар юзасидан қисқа муддатда илмий асосланган эксперт хулосалари чиқарилади. Бу эса ҳар қандай жиноятнинг очилиши учун тўлиқ имконият туғдиради. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, фуқаролар ўртасида ишончсизликлар келиб чиқишининг олди олинади.

Ўзбекистон ҳукумати ва БМТнинг гиёҳвандликка қарши кураш комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўрта Осиёда гиёҳванд моддаларни текшириш маркази» фаолият кўрсатмоқда. Марказда минтақамиздаги қўшни давлатларнинг эксперт мутахассислари ҳам ўз билим ва касб малакасини ошириб боришади. Бу ерда наркотик ва психотроп моддаларни текшириш ва аниқлашнинг халқаро талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган тизими шакллантирилган.

Техника ва технологиялар ривожланган сайин айрим кишилар томонидан, улар ёрдамида баъзи мудҳиш жиноятларни содир этиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шу сабабли уларни ўз вақтида аниқ анализ қилиш, қонунбузарликларни фош этиш ва олдини олишда суд-экспертиза хизматига бўлган талаб ҳам тобора ошиб бораяпти. Бу борада хорижий технологиялар билан танишиб бориш, ўта сезгир аналитик асбобларни криминалистика амалиётида кенг қўллаш масалаларига бағишланган илмий анжуман ўтказилмоқда. Марказимизда жорий йилнинг 14 июн куни ўтказиладиган анжуманда ҳам долзарб муаммолар муҳокама қилинади. Яъни бу соҳанинг имкониятлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг жиноятларни, ҳуқуқбузарликларни фош этиш ҳамда уларнинг олдини олишда экспертизанинг аҳамияти, келгусида уни ривожлантириш масалалари хусусида сўз юритилади. Аниқ таҳлилий хулосалар жиноятнинг тўла-тўкис очилишида муҳим аҳамият касб этади. Ишонч билан айта оламизки, бизда ҳар қандай мудҳиш жиноятнинг қолган излари ва ашёвий далилларни эксперт тадқиқотлари орқали текшириб, илмий асосланган, инкор этиб бўлмайдиган фактларни аниқлаш имконияти мавжуд. Қонун устуворлиги, адолат мезонини таъминлаш йўлида суд-экспертиза хизматининг роли ортиб бормоқда.

Саттор ОТАХЎЖАЕВ,
Хадича Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази бошлиғи, юридик фанлари номзоди



Ҳужжатларнинг криминалистик экспертизаси жараёни

Суд-экспертиза лабораториясида

Саволлар беринг!

Уларни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Ҳурматли «Инсон ва қонун» газетаси таҳририяти! Мен бир савол билан мурожаат қилмоқчиман. Беш нафар фарзанди бор аёллар иш стажлари етганда бир йил олдин пенсияга чиқишлари мумкинми? Улар пенсияга чиққандан сўнг ҳам ўз ишларини давом эттирсалар бўладими?

Т.АЗИЗОВА,
Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида яратилган қонунларимизда аёллар меҳнатига алоҳида эътибор билан қаралиб, улар учун қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 289-моддасига биноан аёллар 55 ёшга тўлиб, умумий меҳнат стажи 20 йилдан кам бўлмаган тақдирда пенсия тайинланади. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги **«Аёлларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»**ги Қонунига асосан аёлларга 54 ёшдан умумий меҳнат стажи 20 йилдан кам бўлмаган тақдирда пенсияга чиқиш имтиёзи берилган.

Фуқаролар пенсияга чиққандан сўнг ҳам меҳнат фаолиятини давом эттиришлари мумкин. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонига кўра ишловчи пенсионерлар тайинланган пенсиясининг 50 фоизини оладилар.

***

Аёлим II гуруҳ ногиронлиги бор. Лекин III гуруҳ ногиронлигига ўтгандан кейин нафақа пули тўхтатиб қўйилди. Қандай ҳолатларда нафақа пули тўхтатилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ,
Жиззах вилояти

Савол берган фуқаро ўз аёлига бериб турилган нафақа пули тўхтатиб қўйилишининг сабабини ҳам ёзиб юборганида тушунарли бўларди. Унинг саволига жавобимиз шундай:

- Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг Давлат пенсияси тўғрисида»ги Қонуннинг 55-моддасида белгиланганидек, агар ногиронлик учун нафақа олиб турган фуқаро узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда қайта кўрикдан ўтиш учун ТМЭК (Тиббий Меҳнат Экспертиза Комиссияси)га бормаган бўлса, унга ногиронлик нафақаси тўхтатиб қўйилади. У қайтадан ногирон деб тан олинган тақдирда, тўхтатиб қўйилган кундан ёки бир ойдан кейин нафақа ола бошлайди.

* * *

Мен Тошкент шаҳридаги корхоналардан бирига бундан 3 йил олдин ишга қабул қилингандим. Лекин иш ўрнимда аввал ишлаган, сўнг бола парвариши таътилида бўлган ходим энди мен ишлаб турган ўринга (ўз ўрнига) ишга чиқмоқчи. Бундай ҳолда корхона уни бошқа иш билан таъминласа бўладими?

Р.ЗАРИПОВА

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 234-моддаси 5-қисмига асосан: бола 2 ва 3 ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун бериладиган таътиллар даврида аёлларнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади. Шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда, меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакаси мувофиқ келадиган ишни (ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бирмунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Жавобларни Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг катта маслаҳатчиси Гулчеҳра АЗИЗОВА тайёрлади

Жаҳон тажрибаси

АҚШ: СУД ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИ

АҚШда давлат қурилиши федерация шаклида ташкил этилган бўлиб, 50 та штат ва Колумбия федерал округи унинг таркибига киради. Давлат бошқаруви шаклига кўра АҚШ — Президент Республикаси ҳисобланади. Федерал Конституция ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилини белгилаб беради: қонунчилик ҳокимияти — конгрессга, ижроия ҳокимияти — Президентга, суд ҳокимияти эса Олий суд ва бошқа судларга бўйсунади.

Ҳар бир штат ўз конституцияси, ўзининг қонунлари ва қонунчилик органлари, ижроия ҳокимияти, шу жумладан, суд тизимига эга. АҚШда суд ҳокимияти тизими ниҳоятда ўзига хос бўлиб, унинг айрим жиҳатлари суд тизимининг ўзбекона моделига мантиқан уйғун келади.

АҚШда суд ҳокимияти тизими ўзининг ташкилий тузилиши жиҳатидан ранг-барангдир. Мамлакатда суд тизими ягона федерал суд, шунингдек, ҳар бир штат, Колумбия округи ҳамда тўртта федерал ҳудудда мустақил иш олиб борадиган тизимлар фаолиятининг уйғунлигида мужассамлашган.

Федерал судлар ўз ваколатлари доирасида, аввало, федерал қонунчилик муассасалари томонидан кўриб чиқилган ишлар: жиноий ишлар, фуқаролик даъволари, шикоятлар, низоли масалалар (уларнинг қиймати 10 минг долларидан зиёд бўлса) ва бошқаларни кўриб чиқади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жиноий ишлар, фуқаролик ишлари ва бошқа масалалар юзасидан федерал судлар ҳамда штатлар судларининг ваколатлари анча уйғун келади. Кўпчилик ҳолларда жиноий ишлар ва фуқаролик ишлари асосан штатлар судлари томонидан кўриб чиқилади. Уларнинг 5-10 фоизигина федерал судларда муҳокама этилади.

Федерал суд тизими таркибига АҚШ Олий суди, апелляция ва округ судлари, шунингдек, махсус судлар ҳам киради. Бу тизимни мамлакат Олий суди бошқаради. Олий суд таркиби 9 нафар судьядан ташкил топади. Судьялардан бири мамлакат президенти томонидан Олий суд раиси этиб тайинланади. Олий суд аъзолари (унинг раиси ҳам) президент томонидан тайинланиб, сенат томонидан тасдиқланади. Зарур ҳолларда қарорлар қабул қилаётган орган Кворум таркиби эса 6 нафар суд аъзосидан иборат бўлади.

Олий суд биринчи инстанция бўйича икки ёки ундан ортиқ штатлар ўртасидаги баҳсли, низоли масалалар, даъволар ва ҳоказоларни кўриб чиқади. Унинг асосий вазифаси қуйи федерал судлар ва штатлар судлари қабул қилган қарор юзасидан келган шикоятларни (агарда улар «федерал масалалар»га алоқадор бўлса), шунингдек, АҚШ Конституцияси, бирон-бир штат қонунлари ёки мамлакат конгресси актларига зид бўлган ҳар қандай поғонадаги суд қарорларини бекор қилишдан иборат. Олий суд шунингдек, ўз ваколатлари доирасида қуйи идоралардан тушган илтимосларга асосан тушунтириш, қонунларни шарҳлаш, йўриқномалар тайёрлаш, маслаҳатлар бериш каби ишларни ҳам амалга оширади.

Апелляция (шикоят) судлари

Мазкур суд тизими 1891 йилда АҚШ Олий суди ва округ судлари ўртасидаги муассаса тарзида тузилган. Ҳозирги пайтда мамлакатда 13 та апелляция суди фаолият кўрсатмоқда, уларнинг биттаси Колумбия федерал округида, ўн биттаси эса ҳар бири 3-10 та штат ҳудудини қамраб олган округ судлари бўлиб, ўзларининг расмий рақамларига эга. Ниҳоят, сўнггиси 1982 йилда таъсис этилган федерал юрисдикция шикоят судидир. Шикоят судлари божхона ишлари ва патент масалалари юзасидан тушган шикоятлар бўйича даъво судларининг қарорларини кўриб чиқади.

Ҳар бир апелляция судининг таркиби 4-23 судьядан иборат бўлиши мумкин. Судьялар орасидан ҳайъат таркибида энг кўп ишлаган кишилардан бири (ёши етмишдан ошмаган бўлса) суд раиси этиб сайланади. Ҳар бир апелляция суди ишида мамлакат Олий суди аъзоларидан бири қатнашади (Олий суд аъзоларининг ҳар бири битта ёки иккита апелляция судига бириктириб қўйилади). Апелляция судлари округ судларининг мунозаралар, қарорлари, шунингдек, маъмурий органлар томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан тушган шикоятларни кўриб чиқади. Агарда уларда ҳуқуқий меъёрларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланса, шунингдек, баъзи масалалар юзасидан биринчи инстанция суди тарақасида буйруқлар чиқаради. Қонунга биноан келиб тушган иш дастлаб 3 кишидан иборат коллегияда кўриб чиқилади. Башарти, апелляция шикояти ҳақида гап кетмаса, бундай ишлар бир ёки икки судья томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Судьялар ва апелляция судлари коллегияси қарорлари бўйича тушган шикоятлар, шунингдек, судьялар ўртасидаги баҳсли масалаларни муҳокама қилиш учун апелляция суди йиғилишлари чақирилади.

Округ судлари

Округ судлари (баъзи адабиётларда улар «туман судлари» деб ҳам юритилади) федерал суд тизимининг асосий бўғини ҳисобланади. Мамлакатнинг барча ҳудуди округларга бўлинган бўлиб, ҳар бир штатда тўрттагача округ мавжуд. Ҳозирги пайтда мамлакатда жами 95 та округ суди фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг ҳар бирида 2 тадан 27 тагача судья (улардан бири апелляция судидаги каби раис этиб тайинланади) ишлайди. Улар ўз ваколатлари доирасида биринчи инстанция тарзида фуқаролик ишлари, жиноий ишлар ҳақида маъмурий идоралар фаолияти устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади.

Округ судлари қошида федерал магистратлар (ушбу лавозим 1968 йилда таъсис этилган) ташкил этилган. Улар асосан ишларни судда кўриб чиқишга тайёрлаш ва суд қарорларининг жойлардаги ижросини назорат қилиб бориш билан шуғулланади.

Магистратлар асосан бир йил муддатгача озодликдан маҳрум этиладиган енгил жиноятлар ҳамда 1000 долларлик жарима белгилаш билан бевосита боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатларини мустақил равишда кўриб чиқиш ваколатига эга.

1978 йилдан бошлаб ҳар бир округ суди қошида (қўшимча орган тарзида) банкротлик ишлари бўйича судлар лавозими жорий қилинган. Улар ҳам ўз ваколатлари доирасида баъзи масалалар юзасидан мустақил қарорлар қабул қила олади. Банкротлик судлари томонидан қабул қилинган қарорлар устидан шикоятлар, қоида бўйича, округ судларида кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, мамлакат суд ҳокимияти тизимида бир қанча корпорацияларнинг маҳаллий ҳокимлик идораларига даъволарини (10 минг долларидан зиёд бўлган шартномавий муносабатларни) кўрилган зарарни қайтариб берилишини талаб қилиб ёзилган шикоятларни кўриб чиқишади.

1980 йилда божхона ишлари бўйича суд тизими ташқи ишлар савдоси судига айлантирилди. Унинг таркиби 9 кишидан иборат. Мазкур суд ўз йиғилишларини зарурат юзасидан мамлакатнинг истаган шаҳрида ўтказиши мумкин.

Бир қатор ихтисослашган федерал суд муассасалари таркибида, жумладан, солиқ суди ҳам фаолият кўрсатади. Солиқ суди ҳам ўз ваколатлари доирасида федерал солиқлар ва уларни тўлаш билан бевосита боғлиқ бўлган низоли масалаларни мустақил тарзда кўриб чиқади.

Штатларда суд тизими

Юқорида таъкидлаганимиздек, АҚШда бир-биридан анча фарқ қилувчи суд тизимлари фаолият кўрсатади. Уларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳар бир штатдаги суд ҳокимияти асосан тарихий қонун-қоидалар ва анъана, урф-одатлар негизида шаклланган. Аксарият ҳолларда штатларда икки, уч поғонали суд тизими ҳамда суд қилиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли

Бир хат изидан

МАКТАБ НЕГА НОТИНЧ?

Таҳририятимизга ўтган йилнинг охирида Термиз шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 10-умумий ўрта таълим мактабининг уч нафар ўқитувчиси — М.Халилова, З.Ғоипова ва М.Холёровалар шикоят хати йўллашган эди. Унда мактаб директори Гулчеҳра Очилова жамоага адолатли раҳбарлик қилмаётгани, ўз мансабини суиистеъмол қилиб, айрим ноҳақликларга йўл қўяётгани афсус билан баён этилган.

Шунингдек, шикоят хатида мактабда айрим ўқитувчилар қалбаки диплом билан ишлаётгани айтилган.

Ушбу шикоят хати юзасидан батафсил журналист текшируви ўтказиш газетамизнинг Сурхондарё вилоятидаги махсус мухбирига топширилган эди.

Қуйида шунинг тафсилотлари билан танишасиз.

Шикоят хатида келтирилган муаммоларни холис ўрганиш учун даставвал Термиз шаҳар халқ таълими бўлими мудири Муҳиддин Абдуллаевга учрашиб, кўмак сўрадик. Муҳиддин Абдуллаев биргаликда шикоятни ўрганишимиз учун икки нафар мутахассис ажратди.

«Шу шикоятчилардан қачон қутилар эканман, жонимга тегиб кетди-да», дея бизни хушламайгина қаршилаган мактаб директори Гулчеҳра Очилова билан шикоят хатида асосий муаммо қилиб келтирилган синфхоналар таъмирини кўздан кечирдик. Аммо ўқув йилига қадар олиб борилган таъмирлаш ишларидан асло кўнглимиз тўлмади. Ўқув биносининг 3-4 қаватларидаги синфхоналарни таъмирлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаган. Ҳолбуки, бола-чақаси, рўзғори маоши орқасидан ризқланиб турган ўқитувчиларнинг иш ҳақидан ҳар ойда пул ушлаб қолинган. Бунинг устига ҳар бир синфдан таъмир учун мактаб маъмурияти тўққиз килограммдан ҳар хил бўёқлар олишган. Бундан ташқари, Сурхондарё электр тармоқлари идораси каби нуфузли вилоят ташкилоти мактабни ўз оталиғига олгану, мактаб директорининг сўзларига қараганда, айтарли амалий кўмак бермайди.

Мактубда тилга олинган яна бир муаммо мактаб директори Г.Очиловани келини Одина Биссембоева сохта диплом билан ғайриқонуний тарзда бир неча йилдирки, бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериб келаётганлиги билан қизиқдик. Бизни ажаблантирган ҳолат шу бўлдики, «эртага дипломимни олиб келиб, шикоятчиларнинг оғзига ураман!» - дея шаддодлик қилган муаллима ўша кундан эътиборан қаёққадир дом-дараксиз ғойиб бўлди. Биз, ҳатто, шаҳар халқ таълими бўлими ва Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбариятига мурожаат қилиб ҳам, унинг мутахассислигини тасдиқловчи бирор-бир ҳужжат топа олмадик. Вилоят халқ таълими бошқармаси кадрлар бўлимининг бошлиғи Раҳматулла Рустамшоев бизга: «Одина Биссембоевани мактаб директори ва илмий мудири ҳужжатлари жамланган шахсий делоси билан қочириб юборишибди. Фарғонага, ота-онасининг уйига кўчиб кетибди», деган жавобни айтди. Шундан сўнг унинг дипломи ҳақиқатан ҳам сохтамикан, деган дилимиздаги гумон янада кучайди. Ҳамкасбларнинг айтишича, унинг туғилган йили билан Сурхондарё вилоятига келин бўлиб тушган йилни таққослаганда, сохта диплом билан ишлаганлиги ҳақиқатга яқин бўлиб қолар экан. Чунки 11-синф маълумоти билан педагогика билим юртига ўқишга кириш ва уни тамомлаб, диплом олиш учун уч йилча вақт керак бўлади. Одинада бунга имконият ҳам, вақт ҳам бўлмаган.

Ушбу шикоят хати юзасидан журналист текшируви ўтказганимиздан сўнг Термиз шаҳар халқ таълими бўлими мутахассислари билан бирга мактаб жамоасини йиғиб фикрлашдик. Йиғилишда Ашурой Раҳимова, Зулхумор Ғойипова ҳамда Муқаддас Халилова сингари ўқитувчилар тоифа (категория) олиб бериш учун мактаб илмий мудираси Ҳуринисо Мамажонова улардан нақд пул (1-тоифа учун уч минг, 2-тоифа учун икки минг сўмдан) сўраганлигини айтишди. Ўз навбатида илмий мудира уларнинг даъволарини «туҳмат» дея инкор этди. Шикоятчилар эса: «Ахир, биздан пул олиб, кўк муқовали ён дафтарингизга қайд этгандингиз-ку, эсингиздан чиқдими? Энди пулларимизга куйиб қолаверамизми?» - дея тағин даъво қилишди. Биз у ёки бу томонни ҳақ деб қозилик қила олмаймиз. Аммо бир нарса аниқки, раҳбариятнинг айби билан жамоада носоғлом муҳит юзага келган.

Биз текширишимиз хулосаларини маълумотнома тарзида тайёрлаб муҳарририят ва Термиз шаҳар халқ таълими бўлими мудири номига бир нусхадан тақдим этдик. Термиз шаҳар халқ таълими бўлими раҳбари Муҳиддин Абдуллаев ўз навбатида мазкур маълумотномамизга эътибор билан қараб, ўқитувчиларнинг шикоят хатида келтирилган бир талай камчиликларнинг вужудга келишига йўл қўйганлиги учун мактаб директори Г.Очилова ҳамда илмий мудира Х.Мамажоноваларга ҳайфсан эълон қилиб, жамоадаги муҳитни соғломлаштириш учун барча зарур чораларни кўришни улар зиммасига юклаганди.

Биз ҳам раҳбариятнинг амалий эътибори туфайли мактабдаги носоғлом муҳит барҳам топар деган андишада беш ойдирки, сукут сақладик. Аммо мактаб директори Гулчеҳра Очилова андишанинг отини қўрқоқ қўядиганлар хилидан чиқиб қолди. Директор ва унга тарафдор бўлганлар томонидан шикоятчи муаллимларга тазйиқ ўтказиш, уларни ишхонада ва жамоат жойларида таъқиб қилишлар бошланиб қолди. Директор ўз хонасида шикоятчи муаллима Муқаддас Халиловага таҳдид қилиб, «Иккинчи шикоят ёзмайман, тинчгина юраман, деб тилхат ёзиб бер!» - дея пўписа ҳам қилибди. Яна ҳам ажабланарли томони, бундай камситишлар мактаб жамоасининг йиғилишида давом этади. Ўша йиғилишда мактаб директори шикоятчиларга қўлини бигиз қилиб, «Булар жамоамиздаги осойишталикни бузаяпти. Газетага шикоят қилиб, нимага эришишди?» - деган таънали гапларни айтади. Бизни ажаблантираётган ҳолат шуки, айнан жамоада тинчлик, осойишталик, ўзаро аҳиллик қарор топишидан манфаатдор бўлиш ўрнига мактаб раҳбарияти нега зиддиятлар алангасига ёғ сепади? Нима учун мактаб директори соғлом муҳит яратишни талаб қилган муаллималарга тазйиқ ўтказади?

Умуман, Гулчеҳра Очилова раҳбарият томонидан дастлабки жазо тариқасида берилган «ҳайфсан»дан тўғри хулоса чиқариб олмаган кўринади.

Эҳтимол, бу машмашаларга Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси ва Термиз шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари барҳам беришар. Биз эса келажагимиз эгалари бўлган ўқувчи-ёшларнинг устозлари жанжалини томоша қилишларидан эмас, балки малакали илм олишларидан манфаатдормиз.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари керак!**

Баҳтиёр ОЛЛОМУРОД,
«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири

Ҳикмат

ОТАЛАР ДЕЙДИКИ:

ҳар кишига сўз айтур бўлсанг қарағил, ул сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотғил. Йўқ эрса ул сўзни қўйиб, шундоқ сўз деғилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин.

***

ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қил, зеро, сенинг қилган яхшилигинг унинг ёмонлиги йўлини тўсур.

***

мадомики, бетоқат нарсаларга сабр-тоқат қила олдингми, бўлди, ўзингни зафар билан қутлайвер.

***

ҳар бир нарсанинг авжи бор. Омади келган киши ўзини тўғри тутиб юрса, ундан яхшилик кутинглар. Мабодо шуҳрат ва манмансирашга ўтса, уни мукаммал одам ҳисобламанглар.

***

сизлар одамни молу дунёларингиз билан мамнун қила олмайсизлар, балки очиқ юз ва яхши хулқларингиз билан миннатдор қилишларингиз мумкин.

***

билғил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга оқмас.

***

агар ақлинг бўлса ҳунар ўрганғил, нединким ҳунарсиз ақл-бошсиз тан, суратсиз бадандекдир.

***

ҳунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага ойда берур.

***

ҳеч кимга ёмонлик ўргатмағил, ўргатмак ҳам ёмонликнинг биридур. Агар бир киши сенга ҳеч гуноҳсиз озор берса, сен унга бермағил, одамнинг асили кам озорликдур.

***

агар одам эрсанг кам озор бўл, халойиққа хулқингни яхши қил.

***

сен ҳар нечаки доно бўлсанг, ўзингни халқдин донороқ билмағил, нединким ўзингни нодон билдинг - доно бўлдинг.

***

ҳар нечук йигит бўлсанг ҳам ақлинг қари бўлсун, енгил йигитлардин бўлмағил, чунки йигитларга оғирлик муносибдур.

Во ажаб!..

ҚАРЗ ЭВАЗИГА... ОҒУ

Косондан йўлга чиққан Гулжаҳон Қодирова ўзича қатъий аҳд қилди: «Бу сафар осмон узилиб ерга тушса ҳам қарзга берган пулларимни қайтариб оламан!». Шундай ўй-хаёл билан Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги Озод Бухоро қишлоғида истиқомат қилувчи таниши Ҳамза Намозов хонадонига қандай етиб келганини сезмай қолди. У илгари ҳам бир неча марта танишининг уйига қарзини сўраб келган, лекин ҳар гал қуруқ қўл билан қайтган эди. «Қарз олган қочар, қарз берган қувар», деб шунга айтишса керак.

Ҳамза Намозов Гулжаҳонни илиқ кутиб олди:

- Опажон, қарзингизни эртага тўғирлаб бераман. Йўлдан чарчаб келгансиз. Бу кеча меҳмон бўлинг, - дея аврашга тушди.

Гулжаҳон унинг гапига ишониб, тунаб қолди. Эртаси кун Ҳамзабой:

- Опажон, пул тополмадим. Агар хоҳласангиз манаву салафанга ўроғлиқ оғуни олинг, 200 граммдан кўпроқ. Косонга олиб бориб сотсангиз, дунёнинг пули бўлади, - дея захри қотилни унинг қўлига тутқазди.

Гулжаҳон аввалига кўнмади. Аммо унгани-унган, деб хаёлан берган қарзидан ҳам кўпроқ пул ишлаб қолишни ўйлаб, рози бўлди.

- Сиз Деновга бориб, автобус бекатида кутиб туринг. У ерда бир танишим бор. Балки пулингизни накд қайтариб берарман, - деди Ҳамза Номозов уни йўлга кузатиб.

Гулжаҳон Денов автобус бекатида уни узоқ кутди. Ахийри, тоқати тоқ бўлиб, тотилмаган бўзадан, мириқиб ичган гўжа яхши, дея таксига ўтириб, Қашқадарёга йўл олди. Аввалига ҳаммаси силлиқ кетаётган эди. Дарбанд ДАН постида навбатчилик қилаётган ички ишлар ходимлари машинада ўтирган Гулжаҳоннинг безовта кўзларидан ҳушёр тортишди шекилли, уни алоҳида хонада, холис гувоҳлар иштирокида тинтув қилишди. Аёлнинг сийнабанди ичидан 217 грамм 100 миллиграмм оғу далилий ашё сифатида олинди.

Суд ҳукмига кўра, Гулжаҳон Қодирова қилмишига яраша жазо олди. Икки нафар вояга етмаган фарзандларнинг онаси, эндигина 34 ёшни қоралаган аёл нафс балосига учиб, умрининг қайноқ палласини панжара ортида ўтказадиган бўлди...

«НЕКСИЯ» ҲАМ ҚЎЛДАН КЕТДИ

Деновлик Санобар Зиёевани ҳам шундай нопок ният йўлдан оздирди. У ўтган йил кузнинг охирларида 99 грамм 800 мг. миқдоридаги гиёҳвандлик воситасини салафан халтачага жойлаб, ўзига тегишли «Нексия» русумли машинасида турмуш ўртоғи билан қўшни вилоятга йўл олди.

Захри қотилни пуллаш мақсади билан йўлга чиққан машина Дарбанд ДАН бўлимида одатдаги текширувдан ўтказилаётган пайтда ички ишлар бўлими назоратчиларида шубҳа пайдо бўлди. Улар аёлни текшириш ўтказиш хонасига бошладилар. Оёғи қалтираб, ичкарига қадам босган аёлнинг бирпасда сири ошкор бўлди. Далилий ашё сифатида унинг ёнидан топилган оғу жиноий ишга «тиркаб» қўйилди. Шундай қилиб, «Нексия» давлат фойдасига мусодара қилинди. Санобар Зиёева ҳам бугун қилмишига яраша жазосини тортмоқда.

Ҳар икки аёлнинг нафс балосига учраб, ўз аёллик шаъни ва оилаларига иснод келтириши ачинарли ҳол. Эл орасида «Фаросатни бефаросатдан ўрган» деган нақл бор. Ажаб эмас, айрим нафси ҳакалак отганлар бу ҳолдан хулоса чиқаришса...

Баҳодир ХОЛЛИЕВ,
Бойсун туман прокурорининг ёрдамчиси,
Шерзод АМИНҚУЛОВ,
ТДЮИ талабаси

Турфа олам

ИШБИЛАРМОН «ТИЛАНЧИ»

Ростов шаҳрида дайди ва тиланчи болаларга қарши кураш рейдини ўтказаётган милиция ходимларининг диққатини қўлоёғи шол боласини аравачага ўтқазиб, қўлига «Яхши инсонлар, ўғлимни даволатиш учун ёрдам беринг», дея тиланчилик қилиб юрган аёл ўзига тортди. Буни қарангки, она ва боланинг ҳужжатларини текшириш учун милиция бўлимига олиб боришганда, операцияга муҳтож 11 ёшли «шол» болакай ўрнидан даст туриб, қочишга уринди. Болакайнинг онаси, 37 ёшли Елена одамларни алдаб, боласини даволатиш учун эмас, балки уй-жой сотиб олиш учун пул ишлаётганига иқрор бўлди. Маълум бўлишича, она-бола шу йўл билан ойига 10-12 минг рубл топишар экан. Улар фирибларини одамлар сезиб қолмаслиги учун ҳар уч ойда «иш жой»ларини ўзгартириб туришар экан. Яъни у шаҳардан-бу шаҳарга кўчиб юришаркан. Алқисса, ўз фарзандини тиланчиликка ўргатган «ишбилармон» она жиноий жавобгарликка тортилди.

АНТИҚА ХИЗМАТ

Собиқ ҳарбий хизматчи, собиқ майор Владимир Змеев тасодифан ҳушёрхонага тушиб қолди. Ҳушёрхона ходимлари уни шундай ўзига келтиришдики, оқибатда шўрлик майорни шошилинч равишда Воронеждаги госпиталга жойлаштиришга тўғри келди. Ҳушёрхонада собиқ майорнинг буйрак ҳамда ички аъзолари қаттиқ шикастлангани сабабли оғир жарроҳлик операциясидан сўнг омон қолди. Устига-устак шунча жабр кўргани етмагандек, собиқ майорнинг онасидан 150 рубл жарима ундирилди. «Емаган сомсага пул тўлаш» деб ана шунга айтсалар керак-да.

«ҚАҲРАМОН» ОНА

«Бумбараш» фильмининг қаҳрамони махфий ҳужжат солинган қоғозхалта душман қўлига тушмасин, дея ютиб юборишга ҳаракат қилганини кўпчилигимиз яхши биламиз.

Албатта, фильмда ҳар нарса бўлиши мумкин. Лекин яқинда молдовалик Елена Оргева ҳам айни шундай ҳолатни амалда ижро этишга уриниб кўрди. Фақат у махфий ҳужжатларни эмас, балки 16 ёшли ўғли Теодорнинг жиноий ишига тааллуқли далилларни ютиб юборди. Гап шундаки, Теодор ҳамтовоғи билан бирга таклифига рад жавобини берган қизнинг суратини олиб, тагига «Кўнгил очиш хизматини кўрсатаман», деб эълон ёзади, телефон рақамларини ҳам қайд этади ва шаҳардаги симёғочларга ёпиштириб чиқади.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, номақбул «ҳазилкашлар» қўлга олинди. Шунда жонкуяр она тергов материаллари билан таништиришни талаб қилиб, арз қилади. Сўнг жанжалларга сабаб бўлган эълонни ҳужжатлар ичидан юлиб олдида, уни йўқ қилиш мақсадида икки ямлаб бир ютди ва ташқарига отилди. Бироқ онаизорнинг бу «қаҳрамон»лиги ўғлига ёрдам бермади. Аксинча, далил-ашёни йўқ қилишга урингани учун 1 йилга шартли равишда озодликдан маҳрум этилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди



Гўдак қувончи дунёни тутади...

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Рўзибой САИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: С. ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Л. КУЛИШОВА
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.